

**“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“Ўзэкспомарказ” МКК ” АЖ  
Кузатув кенгашининг  
2023 йил “24” ноябрдаги  
3/2023-сон мажлис қарори**

**“Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МУСТАҚИЛ  
АЪЗОЛИГИ УЧУН ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ВА  
НОМЗОДЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

**Тошкент шаҳри – 2023 йил**

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори билан тасдиқланган 2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси ҳамда “Ўзэкспомарказ” МКК ”АЖнинг Уставига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига **мустақил аъзоларни танлов ўтказиш орқали танлаб олиш** тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**кузатув кенгаши** — корхонанинг фаолиятига умумий раҳбарликни ва зиммасига қонунчилик ҳужжатлари ҳамда корхона устави, ички меъёрий ҳужжатлари билан юклатилган вазифаларни амалга оширадиган бошқарув органи;

**мустақил аъзо** — қонунчилик ҳужжатларида ҳамда “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖнинг ички меъёрий ҳужжатларида кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этиш учун белгиланган талабларга мувофиқ бўлган кузатув кенгаши аъзоси;

**номзодларни танлаб олиш** — мазкур низомда белгиланган тартиб ва мезонларга мувофиқ энг мақбул номзодларни танлаб олиш тизими;

**тайинлаш ва рағбатлантириш бўйича қўмита** - (кейинги ўринларда — қўмита) кузатув кенгаши ҳузурида унинг тайинлаш ва рағбатлантириш борасидаги ваколатларини амалга ошириш учун тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида кузатув кенгаши аъзолари орасидан ташкил этиладиган қўмита;

**мустақил аъзолар рўйхати** — “Ўзэкспомарказ” МКК ”АЖнинг амалдаги кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзолари тўғрисидаги (ФИШ, асосий иш жойи ва лавозими, маълумоти, иш тажрибаси, фуқаролиги ва мустақил аъзолик учун белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги) маълумотларни ўз ичига олган рўйхат.

3. Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар амалдаги кузатув кенгаши томонидан танлов ўтказилган ҳолда танлаб олиниб, акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишига таклиф этилади.

Бунда, мустақил аъзолик учун ўтказиладиган танловга жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Кузатув кенгаши томонидан мустақил аъзоликка номзодларни танлов ўтказилган ҳолда танлаб олиш ва муносиб номзодлар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш кузатув кенгаши ҳузурида ташкил этиладиган тайинлаш ва рағбатлантириш бўйича қўмитага юклатилиши мумкин.

4. Номзодларни танлаб олиш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

**шаффофлик** — оммавий ахборот воситаларида, ўзининг расмий веб-сайтида, шунингдек қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбаларда тегишли эълонлар, мустақил аъзолик учун мавжуд ўринлар, танлаб олиш тартиби, мезонлари ва натижаларига оид маълумотларни чоп этиш;

**тенглик** — танлаб олиш жараёнида иштирок этадиган барча номзодларга бир хил шарт-шароитлар яратиш;

**рақобат** — танлаб олиш жараёни очик ва тўғри рақобатга асосланган бўлиши;

**мустақиллик** — танлаб олиш жараёни ҳар қандай сиёсий ва маъмурий аралашув ёки бошқа ташқи таъсирлардан ҳоли ва мустақил амалга оширилиши.

## 2-боб. Номзодларга қўйиладиган талаблар

5. Мустақил аъзо корхонанинг ривожига кенг миқёсда ҳисса қўшиш учун қолган кузатув кенгаши аъзоларининг хусусиятларидан сезиларли даражада фарқ қиладиган тажриба, малака ва касбий кўникмаларга эга бўлиши керак.

6. Қуйидагилар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

олий маълумотга эга бўлмаган шахс;

раҳбарлик (раҳбар, раҳбар ўринбосари, бош ҳисобчи, менежер, супервайзер, юридик хизмат бошлиғи, корпоратив бошқарув соҳасида фаолият юритадиган бошқарма бошлиғи, ваколатхона ёки филиал раҳбари) лавозимларида камида икки йиллик иш тажрибасига эга бўлмаган шахс;

судланганлик ҳолати ўрнатилган тартибда тугатилмаган ёки олиб ташланмаган шахс;

сўнгги уч йил ичида корхонада ва (ёки) корхонанинг аффилиланган шахсларида ишлаган шахс;

корхона овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилиланган шахслар орқали) акциядор;

корхонанинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

сўнгги уч йил ичида корхонага ва (ёки) корхонанинг аффилиланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет олти йил давомида корхонанинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

корхона ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

корхонанинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

корхонанинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

Корхона фаолияти йўналишидан келиб чиқиб, кузатув кенгаши ва/ёки қўмита томонидан номзодларга қўшимча талаблар белгиланиши мумкин.

7. Кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзолар ўз зиммасига қуйидаги фидуциар мажбуриятларни олади:

**жонкуярликни намоён қилиш мажбурияти** - виждонан ва жонкуярлик асосида ҳаракат қилиш;

**содиқликни намоён қилиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мажбурияти** - биринчи навбатда жамият манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш;

**лозим даражада кўздан кечиришликни намоён қилиш мажбурияти** жамиятга нисбатан қарор қабул қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш;

**мустақил мулоҳазадан фойдаланиш мажбурияти** - қарорларни мустақил, шахсий ва бошқа манфаатларни инобатга олмаган ҳолда қабул қилиш.

### **3-боб. Номзодларни танлаб олиш тартиби**

8. Ҳар қандай жисмоний шахс жинси, миллати, фуқаролиги ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга, мазкур Низомнинг 6-бандида белгиланган шахслар бундан мустасно.

9. Кузатув кенгаши томонидан танлов жамият кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзо киритиш зарурати юзага келганда (қонунчилик ҳужжатларида, жамиятнинг устави ва/ёки ички меъёрий ҳужжатларида кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзо киритиш талаби белгиланганда, шунингдек кузатув кенгаши таркибида мустақил аъзолик учун бўш ўрин вужудга келганда ва/ёки амалдаги мустақил аъзонинг ваколатлари тугатилаётганда ва ҳ.к.) ўтказилади.

Бунда, кузатув кенгаши томонидан танлов ўтказиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзо киритиш зарурати юзага келган кундан бир ой ичида қабул қилиниши лозим.

10. Танлов ўтказиш тўғрисидаги қарор билан танлов эълон қилинадиган аъзолик ўринлари сони, номзодларга қўйиладиган талаблар, танловнинг бошланиш ва тугаш саналари, номзодлар томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар ва/ёки маълумотлар, номзодларни излаш усуллари, танлов эълон қилиниши мажбурий бўлган оммавий ахборот воситалари белгиланиши, шунингдек эълон матни тасдиқланиши лозим.

11. Номзодларни излаш қуйидаги усуллардан бирини қўллаган ҳолда амалга оширилиши мумкин:

оммавий ахборот воситаларида жамиятнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида, корпоратив ахборот ягона порталида эълон бериш, шунингдек Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари ассоциацияларига мурожаат қилиш;

номзодларни излаб топишга ихтисослашган консалтинг ва (ёки) юқори малакали мутахассисларни ва раҳбар кадрларни қидириш ва ёллаш билан шуғулланувчи махсус “headhunter” ташкилотларини жалб этиш;

12. Кузатув кенгаши томонидан номзодларни танлаб олиш “headhunter” ташкилотларини жалб этиш орқали амалга оширилиши белгиланганда, танлаб олиш тартиби, шартлари ва муддатлари корхона ҳамда “headhunter” ташкилоти ўртасида тузиладиган келишувга мувофиқ белгиланади ва ушбу келишув шартлари кузатув кенгаши томонидан маъқулланади.

13. Танлов ўтказиш тўғрисида эълон қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

корхонанинг номи ва жойлашган жойи, фаолиятининг асосий йўналишлари;

танловда иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш муддати, жойи ва манзили, сўровлар учун телефон рақами ва электрон почта манзили;

талабгор томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар рўйхати;

танловга аризаларни қабул қилишнинг бошланиш ва тугаш санаси, бунда аризаларни қабул қилиш муддати бир ойдан кам бўлмаслиги лозим;

талабгорга қўйиладиган талаблар, кутилаётган вазифалар ва ваколат доираси.

Кузатув кенгаши қарорига асосан танлов ўтказиш тўғрисида эълонда юқоридагиларга қўшимча равишда бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

14. Танловда иштирок этиш учун талабгор шахсан ўзи ва/ёки электрон почта орқали қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, меҳнат дафтарчаси нусхаси (мавжуд бўлса) ёки иш тажрибасини тасдиқловчи ҳужжатлар, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;

меҳнат фаолияти тўғрисида маълумотнома (резюме);

тавсиявиянома (агар мавжуд бўлса);

мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклда жамият кузатув кенгаши мустақил аъзосининг мустақиллик мезонларига мувофиқлиги тўғрисидаги ариза.

Кузатув кенгаши қарорига асосан танловда иштирок этиш учун талабгор шахслар томонидан юқоридагиларга қўшимча равишда бошқа ҳужжат ва/ёки маълумотлар тақдим этилиши белгиланиши мумкин.

15. Номзодлар томонидан тўлдирилган аризада келтирилган ёки тақдим этилган ҳужжатлар ва материалларда мавжуд бўлган маълумотларнинг ҳақиқий ва ишончли эмаслиги, нотўғрилиги (ёлғонлиги) аниқланса, ушбу номзод танловдан ёки кузатув кенгаши таркибидан (агар таркибга сайлангандан сўнг аниқланса) белгиланган тартибда четлатилади.

16. Ҳужжатларни қабул қилиш муддати ҳамда кузатув кенгаши томонидан номзодларни излаш жараёнлари яқунланганидан сўнг **икки иш куни** ичида номзодлар томонидан тақдим этилган маълумотлар (ҳужжатлар) умумлаштирилади ҳамда ушбу низомнинг 14-бандида келтирилган ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилганлиги текширилади.

Талабгорлар томонидан ҳужжатлар тўлиқ топширилмаган тақдирда Кузатув кенгаши унинг номзодини танловдан четлаштиришга ҳақли.

Агар танловда фақат битта талабгор иштирок этганда танлов ўтказилмаган деб ҳисобланади ва ушбу ҳолатда кузатув кенгаши қайта танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

17. Танловда иштирок этган номзодлар **икки иш куни** ичида кузатув кенгаши томонидан 2-иловада белгиланган баҳолаш мезонларига кўра баҳоланади ва баҳолаш натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган номзодларнинг рўйхати тузилади.

18. Кузатув кенгаши томонидан **уч иш куни** ичида номзодлар билан суҳбат ўтказилади, бунда суҳбат томонлар келишувига кўра ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда онлайн видеоконференция режимида ўтказилиши мумкин.

Номзод суҳбатдан ўтишдан бош тортса ёки суҳбатда узрсиз сабабларга кўра қатнашмаса, у танловдан четлаштирилиши мумкин.

19. Кузатув кенгаши суҳбат натижаларидан келиб чиқиб ҳар бир аъзолик ўрнига муносиб номзодни танлаш тўғрисида қарор қабул қилади ва қонунчилик билан белгиланган тартибда акциядорлар (таъсисчилар) умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритади.

Танлов қўмита томонидан ўтказилганда, тавсия этилган муносиб номзодлар дастлаб кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилган ҳолда акциядорлар (таъсисчилар) умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритади.

20. Жамият ўзининг расмий веб-сайтида ҳамда қонунчилик ҳужжатларига кўра ахборотни ошкор этиш мажбурий бўлган ахборот воситаларида кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзолар сайланганлиги тўғрисидаги маълумот ҳамда мустақил аъзорларнинг рўйхатини ошкор этиши шарт.

21. Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси унинг мазкур низомнинг олтинчи бандида белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, бу ҳақда жамиятни ва кузатув кенгашини икки кун муддат ичида хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолларда, жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзо ушбу низомда белгиланган тартибда киритилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қондалар**

22. Номзодлар тақдим этган маълумотларининг тўлиқлиги ва тўғрилиги учун масъул ҳисобланади.

23. Мазкур Низом талаблари бажарилиши устидан назорат корхона кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

24. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

“Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ  
кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов  
ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисидаги  
низомга  
1-илова

“Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ (МЧЖ) Кузатув  
кенгашига

**Кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун белгиланган талбаларга мувофиқлик  
тўғрисида  
АРИЗА**

**Мен, \_\_\_\_\_ ушбу билан номзод сифатида қуйидагиларни  
тасдиқлайман:**

Маълумотим олий;

раҳбарлик (раҳбар, раҳбар ўринбосари, бош ҳисобчи, менежер, супервайзер, юридик  
хизмат бошлиғи, корпоратив бошқарув соҳасида фаолият юритадиган бошқарма бошлиғи,  
ваколатхона ёки филиал раҳбари) лавозимларида камида икки йиллик иш тажрибасига  
эгаман;

иқтисодий жиноятлар ёки бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун  
судланмаганлигимни ҳамда суд қарорларига асосан мансаб лавозимларни эгаллаши  
чекланган, шунингдек коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб  
топилмаганман;

сўнги уч йил ичида корхонада ва (ёки) корxonанинг аффилиланган шахсларида  
ишламаганман;

жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи  
(тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилиланган шахслар орқали) акциядор эмасман;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик  
етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаганман ва/ёки ҳозирда  
бу каби муносабатларга эга эмасман;

сўнги уч йил ичида корхонага ва (ёки) корxonанинг аффилиланган шахсларига  
аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими эмасман;

кетма-кет олти йил давомида корxonанинг кузатув кенгаши таркибида фаолият  
юритамаганман;

корхона ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга  
эмасман (бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазибалари ва функциялари бажарилишини  
таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно);

корxonанинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган  
шахсларининг аъзоси бўлган шахсининг ёки сўнги уч йил ичида уларга аъзо бўлган  
шахсининг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-  
сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси,  
ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс эмасман;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корxonасининг ходими эмасман;

ушбу аризада келтирилган барча маълумотларнинг, шунингдек унга илова қилинган  
ҳужжатлар ва материалларда мавжуд бўлган маълумотларнинг ҳақиқийлиги, ишончлилиги  
ва тўғрилигини тасдиқлайман.

Мен томонимдан ҳақиқий бўлмаган, ишончсиз ва нотўғри (ёлғон) маълумотлар  
берилганлиги аниқланган тақдирда, танловдан ёки кузатув кенгаши таркибидан (агар  
таркибга сайлангандан сўнг аниқланса) четлатилишим тўғрисида хабардорман.

“Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ кузатув кенгашининг  
муस्ताқил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни  
танлаб олиш тўғрисидаги низомга  
2-илова

**“Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ кузатув кенгашининг муस्ताқил аъзолиги учун ўтказилган  
танловда иштирок этган номзоднинг баҳолаш натижалари тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

Номзод \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Мезонга мувофиқлик баллари	Номзоднинг мувофиқлик баллари*
<b>I. КАСБИЙ БИЛИМ-КЎНИКМАЛАРИ</b>			
1.	Қуйидаги соҳалардан бири бўйича бакалавр даражасига эгаллиги: молия, иқтисодиёт ва ҳуқуқ ёки бошқа йўналишлар	5	
2.	Олий таълим муассасаларининг, шу жумладан Давлат бошқаруви академияси, Банк-молия академияси, Солиқ академиясининг магистрлик даражасига эгаллиги	5	
3.	Қуйидаги соҳалардан бири бўйича хорижий олий таълим муассасаларининг магистрлик даражасига эгаллиги: молия, иқтисодиёт ва ҳуқуқ ёки бошқа соҳалар	10	
<b>II. ИШ ТАЖРИБАСИ</b>			
4.	<b>Корпоратив бошқарув, қимматли қоғозлар бозори, стратегик режалаштириш, ходимларни бошқариш соҳалари билан боғлиқ маъмурий ва бошқарув кадрлари лавозимларида (5-бандда кўрсатилган лавозимни эгаллаган даври бундан мустасно) иш тажрибаси</b>		
	2 (икки) йилгача (шу жумладан 2 йил тўлиқ)	5	
	3 (уч) йилгача (шу жумладан 3 йил тўлиқ)	6	
	3 (уч) йилдан 5 (беш) йилгача (шу жумладан 5 йил тўлиқ)	7	
	5 (беш) йилдан ортиқ	8	
5.	<b>Хорижий давлатларда раҳбарлик лавозимларида (раҳбар, раҳбар ўринбосари, менежер, супервайзер) камида бир йил иш тажрибаси ёки корпоратив бошқарув, қимматли қоғозлар бозори, стратегик режалаштириш, кадрлар менежменти, аудит, солиққа тортиш, молия ва инвестициялар, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш, инқирозга қарши бошқарув соҳаларида хорижий юрисдикциялардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича амалий тажрибага эгаллиги</b>		
	1 (бир) йилгача (шу жумладан 1 йил тўлиқ)	5	
	3 (уч) йилгача (шу жумладан 3 йил тўлиқ)	6	
	3 (уч) йилдан 5 (беш) йилгача (шу жумладан 5 йил тўлиқ)	8	
	5 (беш) йилдан ортиқ	10	
6.	<b>Ўзбекистон Республикасида ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлик лавозимларида (ташкилот раҳбари, раҳбар ўринбосари, бош ҳисобчи, юридик хизмат бошлиги, корпоратив бошқарув соҳасида фаолият юритадиган бошқарма бошлиги, ваколатхона ёки филиал раҳбари) иш тажрибаси</b>		
	икки йил тўлиқ (2 йилдан кам бўлмаган)	5	
	3 (уч) йилгача (шу жумладан 3 йил тўлиқ)	6	



	3 (уч) йилдан 5 (беш) йилгача (шу жумладан 5 йил тўлиқ)	8	
	5 (беш) йилдан ортиқ	10	
7.	<b>Жамият фаолиятига тегишли соҳа ташкилотларида маъмурий ва бошқарув лавозимларида иш тажрибаси</b>		
	2 (икки) йил тўлиқ	5	
	3 (уч) йилгача (шу жумладан 3 йил тўлиқ)	8	
	3 (уч) йилдан 5 (беш) йилгача (шу жумладан 5 йил тўлиқ)	10	
	5 (беш) йилдан ортиқ	15	
8.	<b>Кузатув кенгаши аъзоси сифатида иш тажрибаси</b>		
	бир йилгача (шу жумладан бир йил тўлиқ)	5	
	3 (уч) йилгача (шу жумладан 3 йил тўлиқ)	8	
	3 (уч) йилдан 5 (беш) йилгача (шу жумладан 5 йил тўлиқ)	10	
	5 (беш) йилдан ортиқ	15	
<b>III. ҚЎШИМЧА МАЛАКАЛАРНИНГ МАВЖУДЛИГИ</b>			
9.	Қимматли қоғозлар бозори мутахассиси, аудитор, суғурталовчи, баҳоловчи, суд бошқарувчиси малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи амал қилиш муддатига эга ҳужжатнинг мавжудлиги	2	
10.	Иқтисодиёт, молия, ҳуқуқшунослик, корпоратив бошқарув соҳасида камида 2 та хорижий давлатларда стажировкадан ўтганлиги бўйича тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги	4	
11.	Куйидаги халқаро сертификатлардан бирининг мавжудлиги (CFA, CPA, ACCA, ACA, CIMA, IМС, FRM)	4	
12.	Амал қилиш муддатига эга корпоратив бошқарувчи малака аттестатининг мавжудлиги	6	
13.	Мустақил аъзолар уюшмалари тавсияларининг мавжудлиги	6	
<b>IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ИМКОНИЯТИ</b>			
13.	<b>Бошқа корхоналарнинг кузатув кенгашидаги аъзолиги</b>		
	1 та корхонада кузатув кенгаши аъзоси бўлганда	-5	
	2 та корхонада кузатув кенгаши аъзоси бўлганда	-10	
	3 та корхонада кузатув кенгаши аъзоси бўлганда	-15	
	4 та корхонада кузатув кенгаши аъзоси бўлганда	-20	

**Жами максимал баллар йиғиндиси: 100 балл**

**Номзод тўплаган баллар йиғиндиси: \_\_\_\_\_ балл.**

**ИЗОҲ:** Ушбу баҳолаш мезонлари намунавий бўлиб, жамият ўз фаолияти хусусиятлари ва қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши мумкин.